



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 6 мартағи Ф-18-сонли Фармойиши ижроси бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
“Маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланишини  
ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга  
қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги 2025 йил 6  
мартағи Ф-18-сонли Фармойиши ижроси бўйича “Ўзбекистон миллий  
электр тармоқлари” АЖ раҳбарияти томонидан Қорақалпоғистон  
Республикасининг Шуманай ва Қораўзак тумани, Қашқадарё вилояти  
Қамаши тумани, Наманган вилояти Наманган тумани ва Тошкент  
шаҳар Сирғали туманларида ҳокимлик идоралари билан биргаликда  
амалга оширилган ишлар тўғрисида

### МАЪЛУМОТ

2025 йил 5 мартаң бошлаб, туманнинг **барча** худудида ишчи  
гурухлари томонидан баҳорги ободонлаштириш ва “Яшил макон”  
умуммиллий лойиҳасини тадбиқ этиш, аҳолининг томорқа ерларидан  
самарали фойдаланиш ва оғир тоифадаги маҳаллаларнинг инфратузилмасини  
яхшилаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, инвестиция  
лоийҳаларини тадбиқ этиш ҳамда пахта ва ғалла етиштириш бўйича  
тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

#### I. Ташкилий чора-тадбирлар йўналишида

**1.** Худудларда ишчи гурухларнинг зиммасига юқлатилган вазифаларни  
“маҳаллабай” ва “хонадонбай” ташкил этиш бўйича ташкилий  
йиғилишлар ўтказилди.

**2.** Туман ҳокимлигига ҳокимнинг биринчи ўринбосари раҳбарлик  
қилувчи **штаблар** ташкил этилди. Худудий ишчи гурухлар таркибига  
ташкилот ва идора раҳбарлари бириктирилиб, вазифалар белгилаб берилди.

**3.** Белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан **саволнома**,  
**ҳисобот шакллари** ва бошқа **маълумотномалар намуналари** ишлаб  
чиқилиб, худудий ишчи гурухлар ва штабларга етказилди.

#### II. Маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш йўналишида

**1.** Тумандаги барча маҳаллалардаги кўчаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини тизимли ва манзилли ташкил этиш бўйича режа-графиклар ишлаб чиқилди.

Графикка асосан жойларда режалаштирилган барча акция ва ҳашар тадбирлари ўтказилди. Жумладан:

- 1 206 та объектлар (**94 та мактаб**, **76 бозга**, **21 поликлиника**, **1 015 бошқалар**) атрофлари ободонлаштирилди;
- 1 231,9 км лоток, ариқ ва зовурлари чиқиндилардан тозалади ва **23,8 км** қисми бетонланди;
- 1 473 та кўчалар чиқиндилардан тозаланди;
- 162 та қабристон (зиёратгоҳлар) обод қилинди.

Ҳашар ва акцияларда **17 018 нафар** фуқаролар иштирок этди.

**2.** "Обод хонадон" мезонларини жорий этиш йўналишида **6 049 та** хонадонларнинг ташқи девори (фасади), **463 тасининг ошхонаси**, **374 тасининг тандирхонаси**, **497 тасининг молхонаси ва 531 тасининг ҳожатхонаси** таъмирланди (оқланди).

**3.** "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини татбиқ этиш йўналишида баҳор мавсуми учун ҳудудларда **507,4 минг** дона мевали ва манзарали дарахтлар, бута ва гул кўчатларини экиш бўйича режаси белгиланган.

Жорий йил **8 апрель** кунига ҳудудларда кўчат экиш ишлари **1 734,8 минг тупни** ташкил қиласди.

Шу билан бирга, лойиҳа доирасида ўрмон хўжаликлари томонидан **72,2 минг** туп кўчат етказиб бериш топшириги назоратга олинди.

Бугунги кунга келиб хўжаликлар томонидан амалда **81,5 минг дона** кўчат ва қаламча етказиб берилиши таъминланди.

### **III. Аҳоли томорқалари ва ижара ер майдонларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўналишида**

**1.** Давлатимиз Раҳбари томонидан белгилаб берилган янги тизим асосида аҳолининг томорқа ва ижара ерларидан самарали фойдаланиш орқали даромадларини ошириш **чора-тадбирлар режаси** ҳар бир маҳалла кесимида ишлаб чиқилди.

**18 та** мотокультиваторлар мавжуд бўлиб, уста-дехқон ва агрономлар иштирокида аҳоли томорқаларида ишларни ташкил этилмоқда.

Янги тизим асосида **58 272 та** томорқа ер эгаларида мавжуд жами **10 211 гектар** ер майдонидан **7 540,8 гектар** қисмида эрта тайёр бўладиган

экиш ишлари амалга оширилиб ишлар жадал давом этмоқда.

**2. “Бир маҳалла – бир маҳсулот”** тамойилини жорий этиш, маҳсулотларни ички бозорга етказиб бериш ва маҳаллаларнинг экспорт салоҳиятини ошириш бўйича аниқ ҳисоб-китобларни, ахоли томорқаларига экиладиган экинларни жойлаштириш (размещения) бўйича прогноз кўрсаткичларини шакллантирилди.

**3.** Худудларда **10 та** банклар томонидан “**Бир контур – бир маҳсулот**” тамойили асосида аҳолига ижара асосида берилган жами **112 гектар** ер майдонида **9 та** лойиҳани амалга ошириш режа-графиклари ишлаб чиқилди.

#### **IV. Оғир тоифадаги 1 024 та маҳаллаларнинг инфраструктурасини яхшилаш йўналишида**

Электр таъминоти бўйича **56 км** электр узатиш тармоқлари, **36 та** трансформатор пунктлари мукаммал ва жорий таъмирланди, реконструкция ва модернизация дастури **938 дона** темир бетон таянчлар ўрнатилиб **2 км** электр узатиш тамоғи куриб битказилди амалга оширилган ишлар натижасида **5 068** нафар аҳолининг электр таъминоти яхшиланди;

Газ таъминоти бўйича **50 мм** диаметрдаги **200 метр** ўрта босимдаги газ қувурлари реконструкция ва модернизация қилинди ҳамда **1 дона** юқори босимли газ тақсимлаш пункти ўрнатилди, амалга оширилган ишлар натижасида 730 нафар аҳолининг газ таъминоти яхшиланди.

Туман ҳудудида табиий газ етиб бормайдиган **1 506 дона** хонадонларга суюлтирилган газ балонлари етказилиб алмаштириб берилди.

Туман ҳудудидаги **1,7 км** тупроқли ички йўлларни шағалаштирилди.

Аҳоли томорқаларини суғориш учун **70,3 км** ички ариқ ва каналлар тозаланди ва **2,35 км** қисми бетонлаштирилди.

#### **V. Ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, миграциядагилар билан манзилли ишлаш йўналишида**

1. “Ишсиз фуқароларнинг **946 нафарини** бандлиги таъминланди.

2. “Камбағал оиласарнинг **4- ва 5-**тоифасига кирувчи оиласар ҳамда раҳбарларга бириктирилган **1 030 та** оиласарга қонунчиликда белгиланган **363 та** (бандлик ва даромад манбасини яратиш, таълим ва касб-хунарга ўргатиш, тиббий ва ижтимоий хизматларни кўрсатиш, хонадон инфратузилмаси ва яшаш шароитларини яхшилаш) йўналишда хизматлар кўрсатиш ишлари ташкиллаштирилди.

3.“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ томонидан **541 млн сўм**

**ҳомийлик маблағлари ажратилиб** ушбу маблағлар хисобидан шароити оғир **18 та** хонадонларни том қисми профнастил билан ёпилди, **60 нафар** фуқаролар тиббий күриқдан ўтказилди, **11 нафар** оила фарзандларига хорижий тилларда ўқишга йўлланма берилди, **2 та** уй қуриш ишлари бошланди, **2** бош қўй, **2 та** ногирон аравачалари, **320 дона** парранда, **5 дона** пишириқ печлари, **1 та** хонадонни пол қисми ва тепа қисми таъмирланди, **23 та** хонадон учун қуввати **3-5 кВтдан** жами **79 кВт** бўлган қуёш панеллари ўрнатиш ишлари бошланди хамда **30 нафар** хотин-қизлар касб-хунарга ўқитилди.

**3.** “Маҳалла еттилиги” томонидан хорижий давлатларга ишлаш ва даромад топиш мақсадида кетган **5 263 нафар мигрантлар** билан мулоқотлар ўтказди ва кам даромад топаётган мигрантларнинг **260 нафари** яшаш жойларига қайтарилиб бандлиги таъминланди.

**VI. “Наврӯз” умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш доирасида маҳаллаларда ҳунармандчилик ва китоб кўргазмалари, миллий спорт ўйинлари, маънавий-маърифий, маданий ва спорт тадбирлари ҳамда озиқ-овқат ярмаркаларини ташкил этиш йўналишида**

Юқоридаги тадбирларни ҳар бир маҳаллаларда ташкил этиш бўйича манзилли **режа-графиклар ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди**. Жумладан:

**1.** Жойларда **495 та** маданий тадбирлар (**87 та** сумалак сайли, **21 та** дарвиишона, **50** кўклам таомларини тайёрлаш, **29 та** ҳунармадчилик кўрмазмаси), **316 та** спорт, **129 та** миллий спорт мусобақалари ва **334 та** маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.;

*Ушбу тадбирларга жами **132 417 нафар** аҳоли жалб этилди.*

**2.** Худудлардаги олис, чекка худудлардаги ва ижтимоий-иктисодий жиҳатдан оғир **16 та** маҳаллаларда **11 та** арzonлаштирилган қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркалари ва **18 та** кўчма дўконлар ташкил этилди.

**VII. Маҳаллаларда аҳоли даромадларини оширишга қаратилган микролойиҳаларни амалга ошириш чораларини кўриш ичлари бўйича**

Йил бошидан шу кунга қадар маҳаллаларда аҳоли даромадларини оширишга қаратилган **268 та** микролойиҳалар амалга оширилди. Хусусан оиласиий тарбиркорликни ривожлантириш мақсадида чорвачилик, паррандачилик, тикувчилик, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш бўйича

микролойиҳалар амалга оширилди.

Оилавий тадбиркорликни амалга ошириш бўйича **20 та** тикув машинаси ва **380 та** фуқарога **4,13 млрд** сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

**670 та** фуқарони ўзини-ўзи банд қилиниши таъминланди.

### **VIII. Бошқа йўналишларда**

#### ***1. Инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши бўйича***

Жорий йилда жами **39 та** лойиҳа доирасида **370,9 млн**, шундан **361,6 млн.** доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши белгиланган.

#### **2. Пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш бўйича тайёргарлик ишлари бўйича**

2025 йил ҳосили етиштириш учун туманинг **22 100 гектар** экин майдонларига ғалла экилган бўлиб, ҳозирда жами **22 100 гектар** майдон (**100%**) униб чиқкан.

Баҳорги агротехник тадбирлар режасига асосан бугунги кунга **7050** гектар ғалла ер майдонлари **азотли минерал ўғитлар билан озиқлантирилди** баҳорги **биринчи сугориш ишлари** ташкил этилди.

Ишчи гурухлар томонидан **234 та** маҳаллада ўрганиш ва қўмаклашиш ишлари давом этмоқда.

**Маълумот ўрнида:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 6 мартағи Ф-18-сонли Фармойиши ижроси бўйича белгиланган ишлар давом эттирилмоқда.

**Хисобот матни “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Иқтисодий таҳлил ва режалаштириш бошқармаси томонидан тайёрланди**